

АЛОУДДИН БУХОРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИГА ЭЪТИБОР

Баҳромов Суннатилла Ҳамиджон ўғли

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази

катта илмий ходими

sunbah.bahsun.701@mail.ru

Аннотация: Бу мақола Алоуддин Бухорийнинг ҳаёти ва илм таратиш борасида амалга оширган сафарларини ўрганишга бағишланган. Ушбу сафарлар икки асосий турга бўлинади: илм талабида қилган сафарлари ва олинган илмини тарқатиш мақсадида амалга оширган сафарлари. Мақолада, Бухорийнинг фикҳ, усул, мантиқ ва араб тили каби соҳалардаги мутахассислиги, илмий сафарлари ва ёзган асарлари ҳамда уларнинг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар муҳокама қилинган. Алоуддин Бухорий нафақат замонасининг етук олимларидан бири, балки ўз асарлари билан илмни таратишга катта ҳисса қўшган ўлик олим сифатида танилган.

Калит сўз: Алоуддин Бухорий, сафарлар, илм, фикҳ, араб тили, усул, мантиқ, асарлар, ҳанафийлик, шофеъийлик.

Бухорий ёшлик чоғидан бошлаб умрининг сўнгига қадар кўплаб сафарларни амалга оширган. Ушбу сафарлари ўрганиладиган бўлса, уни икки турга бўлиш мумкин. Булар: илм талабида қилган сафари ҳамда олган илмини тарқатиш юзасидан амалга оширган сафаридир.

Олим ҳаёти хусусида сўз юритган барча табақот асарлари унинг илм талабида бир қанча ҳудудларга сафар қилганини таъкидлайди. Аммо ушбу сафарларнинг қачон амалга оширилгани-ю аниқ ҳудудлар номлари ҳақидаги тўлиқ тафсилотига ўтилмаган. Манбалар келтирган маълумотларга кўра, олим илмни “ажам” ўлкасида олиб¹, Бухорода фақиҳ бўлиб етишган². Бухорий ёшлик чоғидан илм олиш, илм аҳли билан кўришишга жуда харис

¹ Шамсуддин Саховий. *Аз-Зовъу ал-ламиъ ли-аҳли ал-қорн ат-тасиъ* // Муҳаккиқи номаълум. – Байрут: Дар ал-жйил, йили номаълум. – Ж. 9.– Б. 291. Кейинги ўринда: Саховий. *Аз-Зовъу ал-ламиъ*. – Ж. – Б.

² Шихобиддин Абул Фалаҳ. *Шазарот аз-заҳаб фи ахбари ман заҳаб* // Абдулқодир Арнаут таҳқиқи. – Байрут: *Дор ибн Касир*. 1993. – Ж. 7. – Б. 241.

бўлган. Ибн Ҳажар Асқалоний у ҳақида: “Уламолардан илм олиш борасида ғайрат қилган”³, дея таъриф берган.

Унинг мана шундай жидд-у жаҳд билан илм олишга бўлган тиришқоқлиги, ёшлик чоғиданоқ кўплаб илмларни ўрганиш, ҳатто ёд олишига сабаб бўлган. Илм олишга бўлган катта иштиёқи сабаб олим ўз отаси, амакиси кўлида ҳам таҳсил олган. Буларнинг барчаси унинг фикҳ, усул ал-фикҳ, усул ад-дин, араб тили, мантиқ, баҳс-мунозара, баён ва бошқа ақлий-ю нақлий илмларда етук олим бўлиб етишишига⁴ сабаб бўлган. Бунинг ортидан кўплаб забардаст уламолар уни “замонасининг имоми”⁵, “замонасининг яғонаси”⁶, дея эътироф қилган. Аввалги саҳифаларда номлари санаб ўтилган сафарлар эса, ўрганилган илмни тарқатиш борасида амалга оширилган.

Алоуддин Бухорий фикҳ, ақоид, тасаввуф, ақлий соҳалар: мантиқ, маъоний, баён ва бадийъ, шунингдек усул ал-фикҳ, араб тили ва ҳатто адабиёт соҳасида ҳам моҳир аллома бўлган. Дарҳақиқат, фикҳ соҳасида ҳанафийлик мазҳабининг етук олимлардан ҳисобланган Бухорий ҳузурига дарс тинглаш учун кейинги даврларда ҳанафийлик ва шофеъийлик мазҳабининг кўзга кўринган олими бўлиб етишган уламолар келиб, ундан фикҳ илмининг сир-синоатларини ўрганган. Бу хусусда ибн Ҳажар Асқалоний: “У олимлардан илм олишда жуда кўп меҳнат қилган. Бунинг натижасида ҳатто ақлий ва нақлий билимлар, луғат илмлари, араб тили ҳамда насларнинг зоҳирий ва ботиний маъноларини биладиган даражада етук олим даражасига чиқиб, замонасининг имомига айланди”⁷, деган.

Имом Аъло Бухорийнинг ақидаси аҳли сунна вал жамоа (ашъарийлик ва мотуридийлик) ақидасида бўлган. У ўз устози, муҳаққиқ Саъдуддин

³ Ибн Ҳажар Асқалоний. Инбаъу ал-ғумар би-абнаъи ал-умур // Ҳасан Ҳабаший таҳқиқи. – Миср: ал-Мажлис ал-аъла лиш-шуъун ал-исламия, 1969. – Ж. 9. – Б. 23. Кейинги ўринда: Ибн Ҳажар Асқалоний. Инбаъу ал-ғумар. – Ж. – Б.

⁴ Шамсуддин Саховий. Аз-Зовъу ал-ламиъ. – Ж. 9. – Б. 291.

⁵ Ибн Тангриберди. Ан-Нужум аз-зоҳира фи мулук Миср ва ал-Қоҳира // Иброҳим Али Торхон таҳқиқи. – Миср: Дор ал-кутуб, 1971. – Ж. 15 – Б. 215.

⁶ Иброҳим ибн Умар ибн Ҳасан Бурҳониддин Бақоий. Танбиҳ ал-ғобий ила такфир ибн Арабий // Абдуррахмон Вакил таҳқиқи. – Қоҳира: Дор ал-илм ва ас-саҳофа, 1995. – Б. 182.

⁷ Ибн Ҳажар Асқалоний. Инбаъу ал-ғумар. – Ж. 4. – Б. 83.

Тафтазонийнинг таҳқиқ этиш усулига мувофиқ бўлган, шу билан бирга мазҳабнинг асосларидан ҳам ташқарига чиқмаган. Фикҳий қарашлари эса ханафийлик ва шофеъийлик мазҳабларини бирдек жамлаган⁸.

Бухорий илм ёйиш мақсадида амалга оширган сафарлари орасида бир неча илмий асарлар ёзишга ҳам мувоффақ бўлган. Қуйида ушбу асарларига бир оз тўхталиб ўтиш мантиқан ўринли бўлади:

1. **“Фозиҳату ал-мулҳидийн ва насихату ал-муваҳҳидийн”** (فاضحة الملحدین و ناصحة الموحدين). Бухорий бу асарни Дамашқ шаҳрига қилган сафари чоғи ибн Арабий қарашига раддия сифатида ёзган. Ушбу асар Шом ўлкасида ўз ўрнига эга бўлиб улгурган ҳатто, ўша даврнинг шайхлари, кўплаб уламоларидан тортиб, толиби илмларгача ундан фойдаланган, мадрасаларда дарслик сифатида қўлланилган. Маълумотларга кўра, умрининг 30 йилини қози бўлиб ўтказган, Макка қозиси Иброҳим ибн Али ибн Муҳаммад ибн Зоҳиро ибн Марзуқ ибн Муҳаммад ибн Али Бурҳон Қураший Махзумий (825-891/1422-1486) айнан Бухорийнинг ушбу асаридан илм ўрганган. Дарҳақиқат, Саховий ўзининг “аз-Зовъу ал-ламиъ” номли асарида: “У Балатнисийга (798-863/1396-1459) шайх Аъло Бухорийнинг “Фозиҳату ал-мулҳидийн” рисоласини ўқиб берган ва унинг ўзидан тасаввуфни ўрганган”, деган маълумотни келтириб ўтган⁹. Бундан ташқари, Алоуддин Бухорий таржимаи ҳолини ёритиш асносида ҳам бу асар хусусида шундай деган: “Шайхимиз Аъло Қалқашандий 834 йил шаъбон ойида ибн Арабийга раддия борасидаги “Фозиҳату ал-мулҳидийн” рисоласини унга ўқиб берган”¹⁰. Бугунги кунда ушбу асарнинг 20 га яқин нусхаси дунё кутубхоналарида сақланади. Жумладан, Туркиянинг Ҳожи Маҳмуд Афанди кутубхонасида № 2680 ва № 2888 рақам остида, Ваҳид Пошо кутубхонасида № 1994 рақам остида, Қилич Али Пошо фондида № 1034 рақам остида, Мурод Мулла кутубхонасида № 331 рақам остида, Шаҳид Али Пошо кутубхонасида № 2734 ва № 1380 рақамлари остида, Кўня кутубхонасида № 362 ва № 6173

⁸ Алоуддин Бухорий. Рисала фи ал-эътикод // Саъид Абдуллатиф Фуда таҳқиқи. – Кувайт: Дор аз-зия, йил. – Б. 17. Кейинги ўринда: Бухорий. Рисала фи ал-эътикод. – Б.

⁹ Шамсуддин Саховий. Аз-Зовъу ал-ламиъ. – Ж. 1.– Б. 90.

¹⁰ Ўша манба. – Ж. 9.– Б. 292.

рақамлари остида, Рашид Афанди кутубхонасида № 1437 рақам остида, Отатурк миллий кутубхонасида № 123 рақам остида ва Атиф Афанди кутубхонасида № 1269 рақам остида сақланади. Бундан ташқари Саудия Арабистонидаги Қирол Файсал ислом илмлари тадқиқот маркази кутубхонаси ва умумий кутубхонада, мос равишда, № 1032, № 1135 рақамлар остида, Бўснидаги Ғози Хусрав бек кутубхонасида R-10420 рақам остида, Суриядаги “Дор ал-кутуб аз-зоҳирия” кутубхонасида № 9191 рақам остида, Мисрнинг “Азҳария” кутубхонасида № 34822 рақам остида, Ҳиндистоннинг “Мумтаз ал-уламо” кутубхонасида № 609 рақам остида, Британиянинг “Британия кутубхонаси”да № IO 4644-5 рақам остида ҳамда АҚШнинг Принстон кутубхонасида № 1580 рақам остида сақланадиган қўлёзмалар айнан мана шу асар нусхалари ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб бу асар 1993 йил Маккадаги Уммул Қуро университети талабаси Муҳаммад ибн Иброҳим Аъвадий томонидан магистрлик даражасини олиш учун таҳқиқ қилинган.

2. **“Назҳату ан-назар фи кашф ҳақиқа ал-инша ва ал-хабар”** (نزهة النظر في كشف حقيقة الإنشاء والخبر). “Кашф аз-зунун” асари муаллифи Ҳожи Халифа ушбу асарнинг ёзилиш сабабини шундай изоҳлайди: “Фанорий (751-835/1350-1431) ва Миср уламолари (الحمد لله) жумласининг “Иншой жумла” ва “Хабарий жумла” эканлиги борасида баҳс юритган. Бу воқеа 823 йил боши Миср бўйлаб ёйилган. Шунда Фанорий унинг “Иншой жумла” эканлигини айтган, буни Ибн Ҳумом ва барча олимлар ҳам маъқуллаган. Алоуддин Бухорий эса бунга қарши жавоб айтган ва бу борада бир рисола ёзиб, уни “Назҳату ан-назар фи ал-фарқ байна ал-инша ва ал-хабар” дея номлаган”¹¹. Ушбу асарнинг ҳам 10 га яқин қўлёзма нусхалари мавжуд. Булар: Туркиянинг Файзуллоҳ Афанди ва Жоруллоҳ кутубхоналари, мос тарзда, № 1854 ва № 478 рақам остида сақланадиган, Мисрнинг “Азҳария” кутубхонасида № 48589 рақам остида сақланадиган, Саудия Арабистонининг

¹¹ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун аън асомий ал-кутуб ва ал-фунун // муҳаккиқи номаълум. – Байрут: Дор ихё ат-турок ал-аробий, 1941. – Ж. 1. – Б. 223.
www.tadqiqotlar.uz

имом Муҳаммад ибн Саъуд номидаги Ислом Университети кутубхонаси ва Умумий кутубхонада мос равишда № 503 ҳамда № 3146 рақам остида сақланадиган ва Ироқнинг вақф вазирлиги тасарруфидаги марказий кутубхонада № 249 рақам остида сақланадиган нусхалардир. Муҳаммад Ҳасан Мустафо Баётий 2002 йил ушбу асар таҳқиқини амалга ошириб, араб тили мутахассислиги йўналишида фалсафа доктори даражасини олган.

3. **“Фатаво фи ҳукм ижтимаъ ар-рижал ва ан-ниса лиз-зукур”** (فتوى في حكم اجتماع الرجال والنساء للذكر). Бу асар қўлёзма шаклида мавжуд бўлиб, ҳозирда Саудия Арабистони пойтахти Риёд шаҳридаги Қирол Файсал ислом илмлари тадқиқот маркази кутубхонасида 263 рақам остида сақланади.

4. Исмоил Пошо ўзининг **“Ҳадият ал-орифин”** номли асарида Бухорийга мансуб бўлган **“Рисала фи ар-рад аъла ал-вужудия ва фусус аш-шайх ал-акбар ва амсалуҳу фи арбаъа карорис”** (رسالة في الرد على الوجودية) (وفصوص الشيخ الأكبر وأمثاله في أربع كراريس) номли асарни тилга олади¹². Саъид Абдуллатиф Фуда эса ушбу асар **“Фозиҳату ал-мулҳидийн”** асарининг айна ўзи эканлигини таъкидлайди¹³.

5. **“Ҳашия аъла ҳашия ат-Тафтазаний аъла ал-кашшаф”** (حاشية على حاشية التفتازاني على الكشاف). Бу асарнинг ҳам қўлёзма шакли мавжуд бўлиб, ҳозирда Мадина шаҳридаги Ориф Ҳикмат кутубхонасида № 12192 рақам остида ва Қоҳира шаҳридаги Худайвия (الخدوية) кутубхонасида 168 рақам остида сақланади.

6. **“Рисала фи ал-мавзуъ”** (رسالة في الموضوع). Саховий Алоуддин Бухорий шогирдларидан бири Али ибн Аҳмад ибн Исмоил Қалқашандий ҳақидаги маълумотлар асносида бу асар хусусида сўз юритган. Унда Қалқашандий **“Фозиҳату ал-мулҳидийн”** ҳамда **“хабар”** ва **“иншо”** борасидаги китоблар сингари ушбу асарни ҳам устозига ўқиб бергани келтирилган¹⁴.

¹² Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадият ал-орифин. – Байрут: Муассаса ат-тарих ал-аробий, йили номаълум. – Ж. 2. – Б. 191.

¹³ Алоуддин Бухорий. Рисала фи ал-эйтиқод. – Б. 41.

¹⁴ Шамсуддин Саховий. Аз-Зовъу ал-ламиъ. – Ж. 1. – Б. 90.

7. “Мулжимату лил-мужассима” (المجمة للمجسة). Бухорийнинг бу асари мужассималик тоифасига қарши раддия сифатида ёзилган китоб бўлиб, олим Дамашққа кўчиб борганида ушбу асарни таълиф қилган. Ҳозирги кунда Саъид Абдуллатиф Фуда томонидан асарнинг таҳқиқи амалга оширилган бўлиб, Байрутнинг “Захоин” нашриётида босмадан чиқарилган.

8. “Ақидату Алоуддин Бухорий” (عقيدة علاء الدين البخاري). Ушбу асарнинг ҳам Саид Абдуллатиф Фуда томонидан таҳқиқи амалга оширилган бўлиб, “Рисола фи ал-эйтиқод” (رسالة في الاعتقاد) номи билан 2012 йил Кувайтнинг “Зиё” нашриётида чоп қилинган.